SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

# O'ZBEKISTON OVOZI

XDP O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2018-yil, 30-avgust. Payshanba • 83-84 (32.452) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

27

## АЗИЗ ВА ЯГОНАМСАН, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!

## ИМКОНИЯТЛАРДАН ТЎЛИҚ ФОЙДАЛАНИШ, ЯНГИЧА ДУНЁҚАРАШ БИЛАН МЕҲНАТ ҚИЛИШ – ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 29 август куни Тошкент вилоятида бўлди.**

Давлатимиз раҳбари дастлаб Бекобод шаҳрида жойлашган мамлакатимиздаги йирик ишлаб чиқариш объектларидан бири бўлган «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик жамияти фаолияти билан танишди.

Президентимизнинг 2018 йил 9 январдаги «2018-2020 йилларда «Ўзметкомбинат» АЖни ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида комбинатда катта ҳажмдаги иқтисодий лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ферроқотишмалар ишлаб чиқариш цехи шулардан биридир. Давлатимиз раҳбарининг ташрифи чоғида 60 миллион долларлик лойиҳа асосида замонавий, энергия тежовчи ва илғор технологиялар билан жиҳозланган ушбу цех ишга туширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда корхона ишчи-ходимлари, соҳа мутасаддилари, хорижлик инвесторлар иштирок этди.

Комбинат имкониятларидан унумли фойдаланиш, қўшимча ишлаб чиқариш объектлари барпо этиш, 2-3 йил ичида камида 15-20 минг иш ўрни яратиш керак. Бунинг замирида одамларни рози қилишдек эзгу мақсад мужассам, деди Президентимиз.

Жанубий Кореянинг «Posco Daewoo» компанияси билан ҳамкорликда қурилган янги цехда йилига 25 минг тонна ферросилиций ва ферросиликомарганец ишлаб чиқарилади. Бу билан металл маҳсулотлар тайёрлайдиган тармоқлар талаби тўлиқ қондирилиб, йилига 8 минг тонна ферроқотишмани экспорт қилиш, шу тариқа импортдан воз кечиб, 35 миллион долларни тежаб қолиш имконияти пайдо бўлади. 300 дан зиёд йигит-қиз иш билан таъминланади.

Президентимиз қуйиш-прокатлаш мажмуаси қурилишига тамал тоши қўйди.

Мазкур лойиҳа қиймати 452 миллион доллар бўлиб, унинг амалга оширилиши натижасида 400 дан зиёд янги иш ўрни ташкил этилади. Лойиҳа 2020 йилда тўлиқ якунига етказилиб, йилига 1 миллион тонна 2-12 миллиметр қалинликдаги пўлат листлар ишлаб чиқарилади. Бу пўлат листлар импортини камайтириш имконини беради. Йилига 350 миллион доллар тежалади. Шунингдек, янги қурилаётган Тошкент металлургия заводининг асосий хомашёси бўлган иссиқ ҳолатда прокатланган листларга 500 минг тонналик йиллик эҳтиёж тўлиқ қопланади. Қуюв-прокат мажмуасини Италиянинг «Даниели» компанияси барпо этмоқда.

► Давоми 2-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ЕТТИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий қудратини юксалтириш ва ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш борасидаги катта хизматлари, сўнгги йилларда юртимизда барча соҳаларда қўлга киритилаётган улкан ютуқларга қўшган муносиб ҳиссаси, Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш соҳа ва тармоқларини замон талаблари асосида такомиллаштириш, илғор инновацион технологияларни жорий этиш борасидаги кўп йиллик самарали ва фидокорона меҳнати, жамиятимизда миллатлараро дўстлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

### «ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

**Абдукаримов Диамат Тухтаевич** — Самарқанд ветеринария медицинаси институти кафедра профессори, Самарқанд вилояти

**Аскаров Ахмадали** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги

**Бакаев Убайдулло Амонович** — Бухоро вилояти мусиқали драма театри режиссёри

**Гулямова Дилбар** Мухамедхановна — Меҳнат фахрийси, Тошкент шаҳри

**Юсупов Машариф** — Меҳнат фахрийси, Андижон вилояти

### «ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

**Фен Виталий Васильевич** — Ўзбекистон Республикасининг Корея Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси

**Ходжаев Шабат** — Меҳнат фахрийси, Тошкент шаҳри

**Эгамова Манзурахон Иминжановна** — Меҳнат фахрийси, Андижон вилояти

### «МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

**Аминова Наргиза Толибовна** — Марғилон шаҳридаги «Наримтекс» қўшма корхонаси директори, Фарғона вилояти

**Ашуров Мухсинджан Хурамович** — «Фонон» давлат илмий-ишлаб чиқариш корхонаси бош директори, Тошкент шаҳри

**Ваккасов Бахтияр Абдираимович** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Мис эритиш заводи директори, Тошкент вилояти

**Джулибеков Нурмат Каршибекович** — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси бош директорининг иқтисод бўйича ўринбосари, Навоий вилояти

► Давоми 3-бетда.



## ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ ҚАДРИЯТ ИЖОДКОРЛАР НИГОҲИДА

Пойтахтимизда Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллиги муносабати билан «Энг улуғ, энг азиз» анъанавий республика танлови ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Мазкур ижодий танлов ташкилий қўмитаси раиси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Л.Тангриев ва бошқалар Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан маданият ва санъат, адабиёт, оммавий ахборот воситалари, нашриёт ҳамда матбаачилик ривожига жиддий эътибор қаратиш, бу борадаги мавжуд қонунчиликни такомиллаштириш, соҳанинг моддий-техник салоҳиятини мустаҳкамлаш, ижод аҳлининг машаққатли меҳнатини моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш, кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ этиш борасида мисли кўрилмаган амалий ишлар олиб борилаётганини таъкидлади.

► Давоми 2-бетда.

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимиз мустақиллигининг 27 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарларидан самимий қутловлар келмоқда. Уларда давлатимиз раҳбарига бахт-саодат ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, равнақ ва фаровонлик тилаб, эзгу истаклар изҳор этилган.

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

**Муҳтарам Президент, азиз қардошим!**

Ўзбекистоннинг Миллий куни муносабати билан Сиз Жаноби Олийларини ва бутун ўзбек халқини шахсан ўз номимдан ва халқим номидан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Қардошимиз ва дўстимиз деб билганимиз Ўзбекистоннинг Сиз, азиз қардошимнинг оқилона ва узоқни кўзлаб юритаётган сиёсати туфайли эришаётган ютуқларини бутун дунё каби биз ҳам юқори баҳолаган ҳолда кузатяпмиз. Ўзбекистоннинг янада гуллаб-яшнаши йўлида ғайрат ва фидокорлик билан қилаётган саъй-ҳаракатларингизни бундан буён ҳам қўллаб-қувватлашда давом этамиз.

Мамлакатларимиз ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорлик ва стратегик шериклик биргаликдаги саъй-ҳаракатимиз билан халқларимиз манфаати йўлида янада кучайишига ишончим комил. Сизнинг оқилона раҳнамолигингизда дўст ва қардош Ўзбекистон қўлга киритаётган улкан ютуқларга шоҳид бўлаётганимдан бахтиёрман.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон билан муносабатларимиз келгусида янада ривожланишига ишончимни тасдиқлаган ҳолда, Сиз Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, қардош ўзбек халқига омонлик ва фаровонлик тилаб қоламан.

**Режеп Таййип ЭРДЎҒОН,**
**Туркия Республикаси Президенти**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

**Қадрли Шавкат Миромонович!**

Тожикистон халқи номидан ва шахсан ўз номимдан Сизни ва Сиз орқали бутун қардош Ўзбекистон халқини Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами – Мустақиллик куни муносабати билан чин юракдан муборакбод этиш ва энг эзгу тилакларимни билдириш менга катта мамнуният бағишлайди.

Сиз узоқни кўзлаб юритаётган сиёсат ҳамда мамлакат ҳаётининг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳаларидаги муҳим янгиланишлар бугун ўз самараларини бериб, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрўсини муттасил юксалтирмоқда.

Ушбу муваффақиятлар яқин қўшни сифатида Ўзбекистон билан кўплаб дўстлик ришталари орқали боғланган Тожикистонни ҳам қувонтирмоқда.

Халқларимизни маданий-маънавий яқинлик, ўзаро манфаатларни ҳурмат қилиш, тинч ва тотув яшашга интилиш, кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничиликка асосланган бебаҳо тажриба боғлаб туради.

Ўзбекистон билан муносабатлар Тожикистон ташқи сиёсатининг асосий устувор йўналиши бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Биз Тожикистон билан Ўзбекистон ўртасидаги кўп қиррали шерикликнинг эзгу ва конструктив муҳитидан, шунингдек, ҳамкорлигимиз халқларимиз ва бутун минтақанинг туб манфаатлари йўлида изчил ривожланиб бораётганидан ғоят мамнунмиз.

Биз, ҳурматли Шавкат Миромонович, Сизнинг бу йўлдаги шахсий ҳиссангизни юксак қадрлаймиз.

Яқинда гўзал мамлакатингизга давлат ташрифи давомида Сиз билан бўлиб ўтган самарали учрашувларимизни, тарихий ҳужжат – Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома имзолаганимизни алоҳида мамнуният билан ёдга оламан.

Ишончим комил, ушбу ташриф доирасида имзоланган ҳужжатлар, шунингдек, иқтисодиётнинг стратегик тармоқларида қатор кенг миқёсли қўшма лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган келишувларнинг рўёбга чиқиши мамлакатларимизнинг узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган самарали ҳамкорлигига янги ва кучли суръат бағишлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, бундан буён ҳам Сиз билан биргаликда мамлакатларимиз ўртасидаги азалий дўстлик анъаналари ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янги босқичда ривожлантиришга барча кучларни йўналтиришга тайёр эканимни билдираман.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз туфайли мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар бундан буён ҳам Тожикистон ва Ўзбекистон халқлари фаровонлиги йўлида янада мустаҳкамланиб боришига ишонаман.

Ушбу қутлуғ байрам кунларида Сизга, муҳтарам Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлик, мамлакат равнақи йўлидаги режаларингиз ва интилишларингиз рўёбида катта зафарлар, қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик, бахт-саодат ва фаровонлик тилашга ижозат бергайсиз.

Ҳурмат билан,

**Эмомали РАҲМОН,**
**Тожикистон Республикаси Президенти**

* * *

Шунингдек, қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:

Сингапур Республикаси Президенти **Ҳалима Ёқуб**

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти **шайх Халифа бин Зоид Ол Наҳаён**

Бирлашган Араб Амирликлари Қуролли Кучлари Олий бош Қўмондони ўринбосари **шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён**

Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазирининг ўринбосари, ички ишлар вазири **шайх Сайф бин Зоид Ол Наҳаён**

Фаластин Давлати Президенти, Фаластин Озодлик ташкилоти Ижроия қўмитаси раиси **Маҳмуд Аббос**

*Қутловлар келиши давом этмоқда.*

## ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ ҚАҲРАМОНЛАРИ

Ўзбекистон терма жамоаси жами 45 медаль (12 олтин, 17 кумуш ва 16 бронза) билан умумжамоа ҳисобида 7-ўринга кўтарилди.



Маъруф Файбуллаев, кураш



Диёрбек Ўрозбоев, дзюдо



Гулнор Сулаймонова, кураш



Светлана Радзивил, баландликка сакраш



Муҳсин Ҳисомиддинов, кураш



Дилдор Шерметова, кураш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИР ГУРУҲ ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ АРБОБЛАРИ, МАДАНИЯТ, ФАН ВА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Қардош Ўзбекистон ва Тожикистон халқлари ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссаси, маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш, муштарак тарихий мерос, маънавий қадрият ва анъаналарни асраб-авайлаш ва бойитиш борасидаги фаол ва самарали фаолияти, мамлакатларимиз орасида ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва кўп томонлама стратегик шерикчиликни ривожлантиришдаги хизматлари учун қуйидагилар орденлар ва фахрий унвонлар билан мукофотлансин:

**«ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Қоҳир Расулзода** — Тожикистон Республикаси Бош вазири

Сирожиддин Муҳриддин — Тожикистон Республикаси Ташқи ишлар вазири

**«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Низом Қосим** — Тожикистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси раиси

**Ташпулат Гулмуродов** — Тожикистон Республикаси Соғлиқни сақлаш соҳаси ходимлари малакасини ошириш институтининг кардиожарроҳлик кафедраси мудири

**«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Али Муҳаммадиев** — Тожикистон Республикаси Фанлар академияси Қўлёзмалар мероси фондининг бўлим мудири

**Ифтихор Ширинджонович Джураев** — Тожикистон Республикаси Геодезия ва ер бошқаруви давлат қўмитасининг чегараларни делимитация ва демаркация қилиш давлат геодезия назорати инспекцияси бошқарма бошлиғи

**Рахим Марупов** — Тожикистон Республикаси Фанлар академиясининг С.Умаров номидаги физика ва техника институти бош ходими

**Ҳасан Бердиқулов** — Тожикистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ АРТИСТИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН**

**Адҳам Холиқов** — «С.Айний номидаги опера ва балет академик театри» давлат муассасаси бадиий раҳбари

**Давлат Холов** — Тожикистон Республикаси ҳукумати ҳузуридаги Телевидение ва радио қўмитасининг «Фалак» давлат ансамбли бадиий раҳбари

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2018 йил 29 август*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## А.Б.УСМАНОВНИ «ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА



Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида иқтисодий, ижтимоий, маданий-маърифий алоқаларни мустаҳкамлаш, мамлакатимизда йирик инвестицион лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш ишларига қўшган катта ҳиссаси, халқимизнинг миллий қадрияти ва бой тарихий ёдгорликларини қайта тиклаш ва асраб-авайлаш мақсадида Ўзбекистонда диний-маданий аҳамиятга эга бўлган объектларни барпо этиш борасидаги фаол иштироки, Ватанига ёшлар учун ўрнак бўладиган даражадаги самимий муҳаббати ҳамда республикамизда туризм салоҳиятини ва спорт соҳасини ривожлантиришдаги ҳамкорлиги учун таниқли ҳамюртимиз, Россиянинг «USM Holding» акциядорлик жамияти таъсисчиси ва раҳбари Усманов Алишер Бурханович «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2018 йил 29 август*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## В.Ю.АЛЕКПЕРОВНИ «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА



Ўзбекистоннинг нефть ва газ секторини ривожлантириш ва углеводород ресурларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, хомашёни қазиб олиш ва чуқур қайта ишлаш бўйича илғор, инновацион технологияларни соҳага жорий этиш, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш, йирик стратегик лойиҳаларни амалга ошириш ишларига қўшган катта ҳиссаси ҳамда республикамизга юқори малакали кадрлар тайёрлаш борасидаги ҳамкорлиги учун «ЛУКОЙЛ» очиқ акциядорлик жамияти президенти Алекперов Вагит Юсуфович «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2018 йил 29 август*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## Н.В.КНАУФНИ «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА



Мамлакатимизда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш, соҳага илғор технологияларни жорий этиш, йирик ҳажмдаги хорижий инвестицияларни жалб қилиш ишларидаги фаол иштироки, Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги ҳар томонлама ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги улкан хизматлари учун «КНАУФ» корхоналари гуруҳи иштирокчилари Кенгаши аъзоси Кнауф Николаус Вильгельм «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2018 йил 29 август*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ВАН ИЛИННИ «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА



Ўзбекистон иқтисодиётининг нефть ва газ тармоғини ривожлантириш борасидаги катта хизматлари, йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишдаги ҳамкорлиги, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини ошириш, Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга қўшган салмоқли ҳиссаси учун «CNPC» компанияси директорлар Кенгаши раиси, «PetroChina» компанияси раиси Ван Илин «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2018 йил 29 август*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## КЭРОЛИН ЛЭММНИ «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА



Ўзбекистон Республикаси ва Америка Қўшма Штатларининг ҳар томонлама ўзаро манфаатли стратегик ҳамкорлигини мустаҳкамлаш борасидаги катта хизматлари, икки мамлакатнинг савдо-иқтисодий соҳалардаги шерикчилик алоқаларини кенгайтириш, йирик инвестиция лойиҳалари ва дастурларини амалга ошириш ишларида юқори касбий маҳоратини намоён этиб келаётганлиги, халқларимиз ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликни давомли ривожлантиришга қўшаётган салмоқли ҳиссаси учун ҳамда таваллудининг 70 йиллиги муносабати билан Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэмм «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2018 йил 22 август*

## ИМКОНИЯТЛАРДАН ТЎЛИҚ ФОЙДАЛАНИШ, ЯНГИЧА ДУНЁҚАРАШ БИЛАН МЕҲНАТ ҚИЛИШ — ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

Шавкат Мирзиёев комбинат ишчи-ходимлари билан суҳбатлашди. Уларнинг самарали меҳнат қилиши ва дам олиши учун яратилган шароитлар билан қизиқди.

— Кейинги йилларда комбинатда умуман ўсиш кузатилмаётган эди. Шу боис, ўтган йили уни ташқи бошқарувчига бириктирдик. Натижада ишлаб чиқариш 1,5 баробар ортди. Даромадлари кўпайган комбинат жорий йилда Бекобод шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун 75 миллиард сўм маблағ ажратди, — деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз Тошкент вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида 2018-2019 йилларда амалга ошириладиган лойиҳалар билан танишди.

Жумладан, Қуйи Чирчиқ туманида велосипед ишлаб чиқариш, Юқори Чирчиқ туманида қишлоқ хўжалиги, Бўка туманида пахта-текстиль кластерларини ташкил этиш, Қуйи Чирчиқ туманида канопчилик соҳасини қайта тиклаш ва ривожлантириш, Оҳангарон туманида замонавий гидропоник иссиқхона очиш каби қатор лойиҳалар режалаштирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларни янада такомиллаштириш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди.

Маълумки, Президентимиз 2017 йил 18 август куни Бекобод шаҳрига ташрифи чоғида Бекобод ва Олмалиқ шаҳарларини ривожлантириш бўйича ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш таклифини илгари сурган эди.

Ўтган бир йилда Бекободда салмоқли ишлар амалга оширилди. 90 мингдан зиёд одам истиқомат қиладиган шаҳарда аҳолининг уй-жойга эҳтиёжини қоплаш мақсадида бешта етти қаватли уй қуриб битказилмоқда. Яна бешта шундай турар-жой қурилиши бошланиш арафасида. Улар йил охиригача ўз эгаларига топширилади. Уйлар атрофига болалар ўйин майдончалари, автомобиллар сақлаш жойлари, замонавий савдо шохобчалари қуриш ҳам режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбарининг таклифи билан ушбу янги массивга «Мустақилликнинг 27 йиллиги» деб ном берилди.

Президентимиз жамоатчилик вакиллари билан учрашиб, уларни мамлакатимиз мустақиллигининг 27 йиллиги билан табриклади.

— Бир йил олдин Бекободга келиб, шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қатор режалар белгилаб олган эдик. Бугунги учрашувимизда ўша режаларнинг дастлабки натижалари ҳақида сўзламоқчиман, — деди давлатимиз раҳбари. — Бекободда шу пайтгача иссиқ сув йўқ эди, ичимлик суви сифати ёмонлигидан кейинги 10 йилда касалликлар кўпайган, ишсизлик ортганди. Бугун шаҳарга йирик инвестициялар жалб этиляпти, янги иш ўринлари яратиляпти. Йўлсозлик, электр энергияси ва газ таъминоти, томларни таъмирлашга эътибор қаратила бошланди. Тошкент ва Бекобод шаҳарлари оралиғида электропоезд қатнови йўлга қўйилди. Биз бу ишлар кўламини янада кенгайтирамиз.

Бекободликлар бундай эътибор туфайли шаҳар янги қиёфа касб этгани, одамларнинг фикри, кайфияти ўзгарганини таъкидлаб, Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Давлатимиз раҳбарига Тошкент вилоятида барпо этилаётган кўп қаватли уйлар ҳақида ҳам маълумот берилди. Унга кўра, жорий йилда Олмалиқ, Янгийўл, Бекобод, Нурафшон шаҳарларида 2604 хонадондан иборат 62 кўп қаватли уй фойдаланишга топширилади.

Оҳангарон шаҳридаги Амир Темур кўчасини реконструкция қилиш, Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ ва Оҳангарон туманлари ҳудудидан ўтувчи ҳамда Тошкент — Бекобод ва Тошкент — Сирдарё автомобиль йўллари бўйлаб намунавий уйлар қуриш, вилоятда ичимлик сув тизимини такомиллаштириш, кўмир, технологик чиқинди, минерал руда ва биомассани майдалаш, қуритиш ва сепарация қилиш лойиҳалари тақдимотлари ўтказилди.

Президентимиз Бекобод туманидаги «Юсупов Ғофуржон файз» фермер хўжалигида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Бугунги кунда мамлакатимизда тупроқ унумдорлигини оширадиган ва юқори ҳосил олишни таъминлайдиган деҳқончилик тизими жорий этилмоқда, Экинларни белгиланган меъёрлар асосида суғориш, озиқлантириш, касаллик ва зараркунандаларга қарши самарали курашиш, уруғ ва ресурслар сарфини камайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ғаллачилик ва пахтачиликнинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш йўналишидаги селекция ва уруғчилик ишларини такомиллаштириш чоралари кўрилаётир.

Пахта ва ғалла етиштиришга ихтисослашган мазкур фермер хўжалигининг умумий ер майдони 78,6 гектарни ташкил этади. Жорий йилда хўжалик раҳбари Ғофуржон Юсупов 31,1 гектар майдонга ғалла экиб, гектаридан 71 центнердан ошириб ҳосил олди. Соф фойда — 80 миллион сўм. 47,5 гектар ерга ғўза экилган. Ундан ҳам 35 центнердан ошириб ҳосил олиш мўлжалланмоқда.

Фермер 13,5 тонна мош ва 7,5 тонна ловияни экспорт қилиш, ички бозор учун 60 тонна картошка ва 45 тонна сабзи етиштириш бўйича шартномалар тузган. Хўжаликда 35 ишчи меҳнат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари хўжалик дала шийпонида вилоят фермерлари билан мулоқот қилди.

Мамлакатимизнинг асосий даромади қишлоқ хўжалигидан. Истиқболли, серҳосил пахта навларини яратиш, ғўзани қўшқатор экиш фермер даромадини оширади. Фермер далага чиқдими, меҳнати самарасидан уй, машина олсин, фарзандларини ўқитсин, уйли-жойли қилсин, деди Шавкат Мирзиёев.

Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш, бу бўйича хориж тажрибасини ўрганиш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берилди.

Мамлакатимизда бунёд этилаётган йирик саноат корхоналари иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Тошкент вилояти Зангиота туманида барпо этилаётган Тошкент металлургия заводи шулардан биридир.

Давлатимиз раҳбари ушбу корхона қурилиши билан танишди.

Лойиҳа қиймати 286,7 миллион евролик мазкур корхонага хорижда ишлаб чиқарилган илғор ва замонавий ускуналар келтирилади. Корхонада автомобиль кузовлари ва маиший техника учун металл листлар, металл черепицалар, профнастил тайёрланади. Корхона тўлиқ қувватда ишга туширилгач, йилига 500 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилади. 700 га яқин иш ўрни яратилади.

Президентимиз 2017 йил февраль ойида ушбу корхона қурилиши лойиҳаси билан танишиб, мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берган эди.

Ўтган вақт мобайнида бу ерда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Заводнинг металл конструкцияси қуриб битказилди.

Шавкат Мирзиёев қурилиш жараёнини кўздан кечирди, заводнинг мамлакатимиз иқтисодиётида тутадиган ўрни ҳақида тўхталар экан, бу ерда ишлайдиган мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади.

◀ *Давоми. Бошланиши 1-бетда.*

**ЎзА**

## ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ ҚАДРИЯТ ИЖОДКОРЛАР НИГОҲИДА






Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Энг улуғ, энг азиз» республика танлови Ўзбекистонимизни, истиқлолимизни, унинг қадр-қиммати, саодатли неъматларини, тинч ва осойишта кунларимизни тараннум этувчи ижод намуналарини халқимизга танитишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Жорий йилги ижодий лойиҳа «Азиз ва ягонамсан, жонажон Ўзбекистоним!» деган эзгу ғояни ўзида мужассам этгани, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» давлат дастурининг маъно-мазмунини кенг тарғиб этишга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди.

Танловнинг республика босқичига 300 нафарга яқин ижодкордан 2 мингга яқин ижодий иш келиб тушди.

Танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар босқичларида 2 минг нафардан ортиқ ижодкор фаол иштирок этиб, 6 августдан 16 августгача ҳудудларда бўлиб ўтган тақдирлаш маросимларида 200 нафарга яқин ёзувчи, шоир, журналист, рассом ва киноижодкорлар ғолиб ва совриндорлар сифатида лойиҳа ташкилотчилари томонидан тақдирланди.

— Бугун долзарб бўлиб турган кўпгина масалалар — ёшлар тарбияси, маънавият, оилалар мустаҳкамлиги, жиноятчилик профилактикасида маҳаллаларнинг ўрни, таъсири беқиёс, — дейди «Маҳалла» радиоканали катта муҳаррири, танлов ғолиби Тўлқин Ёрқулов. — Уларни теран таҳлилий назар билан ёритиш журналистдан юқори билим, катта маҳорат талаб этади. Танлов янада кўпроқ изланишга, ишга катта масъулият билан ёндашишга ундайди.

Тадбирда ғолиб ва совриндорларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди. Концерт дастури намойиш этилди.

◀ *Давоми. Бошланиши 1-бетда.*

**Н.УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ЕТТИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Ибраймов Амангелди Аитбаевич** — «Ўзбурғинефтгаз» акциядорлик жамиятининг «Устюрт қидирув бурғилаш бошқармаси» масъулияти чекланган жамияти бурғиловчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Кетмонов Хатамжон Абдурахмонович** — Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий кенгаши раиси — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари

**Ким Константин** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Рух заводи директори, Тошкент вилояти

**Махкамов Шарифжон Раджабович** — «Қўқон механика заводи» акциядорлик жамиятининг газ баллон цехи устаси, Фарғона вилояти

**Мирзалиева Камолат Куканбаевна** — Олмазор туманидаги «Акфа медлайн» масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент шаҳри

**Намазов Шароф** — Жиззах вилояти «Сувоқова» давлат унитар корхонасининг сув таъминоти ва канализация объектларидан фойдаланиш бўлими бошлиғи

**Нутфуллаев Амрилло Хайруллаевич** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг Учувчилар мажмуаси «А-320» учувчилар отряди командири ўринбосари

**Орипов Шамсутдин** — Меҳнат фахрийси, Сурхондарё вилояти

**Раймов Рўзиқул Облокулович** — «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг ўринбосари

**Тухтаев Кабул Мухаммадиевич** — «Ўзбекнефтгаз» акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари — «Ўзнефтгазқазибчиқариш» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси

**Ўроқов Ҳотам Мардонович** — Бухоро тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси автогрейдерчиси, Бухоро вилояти

**Шермухамедова Жамила Ташпулатовна** — Республика Маънавият ва маърифат маркази тарғиботчиси

**Ядгаров Дамир Салихович** — Меҳнат фахрийси, Бухоро вилояти

## «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

**Абдуллаев Илхом Зайирович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси раиси

**Акбаров Носир Юнусханович** — Наманган шаҳридаги «Наманган тўқимачи» масъулияти чекланган жамияти директорининг ўринбосари, Наманган вилояти

**Артиков Абдирашид Заирович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг Сурхондарё вилоятидаги минтақавий вакили

**Атабекова Галина Алимжановна** — Андижон туманидаги «Милана текстиль» масъулияти чекланган жамияти бош директори, Андижон вилояти

**Ахмедов Сайфулло Норматович** — Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси

**Ахмедов Шухрат Якубжанович** — Шайхонтоҳур туманидаги «Колор пак» масъулияти чекланган жамияти бош директори, Тошкент шаҳри

**Баратова Сайёра Рахматовна** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор

**Боқижонов Исломбек Исмоилович** — Ангор туманидаги «Био техно эко» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Сурхондарё вилояти

**Борисова Светлана Анатольевна** — Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси «Марказий геология-геофизика экспедицияси» давлат корхонасининг геологик маълумотларни таҳлил қилиш партияси бош геофизиги

**Дадаходжаев Фаррух Саидахмедович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси

**Данияров Муратбай Куанишбаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раисининг ўринбосари

**Джумаев Намаз Бегиевич** — Сурхондарё вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг Жарқўрғон тумани бўйича вакили

**Джураев Бахтиёр Эркинович** — «Бухоро бриллиант силк» қўшма корхонаси бош директори, Бухоро вилояти

**Жуманиязов Маткарим** — «Нуроний» жамғармасининг Хоразм вилояти бўлими раиси

**Иргашев Исматулла Раимович** — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Афғонистон бўйича махсус вакили

**Кастамирова Эмма Казимовна** — Жомбой туманидаги «Амин инвест интернейшнл» қўшма корхонаси бош директори, Самарқанд вилояти

**Каюмов Яркин** — «Нуроний» жамғармасининг Қўқон шаҳар бўлинмаси раиси, Фарғона вилояти

**Махсимов Хужакул** — «Нуроний» жамғармасининг Нишон тумани бўлинмаси раиси, Қашқадарё вилояти

**Мирзаахмедов Акбарали** — Республика Маънавият ва маърифат маркази Сирдарё тумани бўлинмаси раҳбари, Сирдарё вилояти

**Муллажонов Тохир Охунович** — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент шаҳридаги Халқ қабулхонаси мудири

**Назиров Ганишер Носирович** — Риштон туманидаги «Риштон — Япония» маданий-иқтисодий алоқалар маркази раҳбари, Фарғона вилояти

**Нематов Илхамджан** — Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Алоҳида топшириқлар бўйича Элчиси

**Оруджов Узеир Салег-Огли** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти бош муҳандисининг кончилик ишлари бўйича ўринбосари, Тошкент вилояти

**Отамуратов Сарвар Садуллаевич** — Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши раиси — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари

**Примкулов Шербўта** — Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Ховос тумани Кенгаши раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича ўринбосари, Сирдарё вилояти

**Ражабов Давлатназар** — Урганч туманидаги «Улли ҳовли» туристик маркази раҳбари, Хоразм вилояти

**Рашидов Насриддин Муродович** — Бухоро шаҳридаги «Аҳолитранс» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Бухоро вилояти

**Саидов Бахтиёр Одилович** — Ўзбекистон Республикасининг Хитой Халқ Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси

**Снитка Николай Павлович** — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси бош муҳандиси, Навоий вилояти

**Сотиболдиев Улуғбек Норхожаевич** — Мирзаобод туманидаги «Бек кластер» масъулияти чекланган жамияти бош директори, Сирдарё вилояти

**Суванов Азиз Аслонович** — Кармана туманидаги «Кармана голден эгз» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Навоий вилояти

**Тажиев Бахадир Садуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбосари

**Тиллаева Замирахон Хабибуллаевна** — Андижон вилояти хотин-қизлар қўмитаси қошидаги жамоатчилик асосидаги «Қайноналар кенгаши» директори

**Тумишова Аксавли Молдагалиевна** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси аъзоси

**Турдимратов Гафуржон Султанович** — «Сирдарё иссиқлик электр станцияси» акциядорлик жамиятининг 1-қозон турбина цехи бошлиғи ўринбосари, Сирдарё вилояти

**Усманова Саодат Акпаралиевна** — Наманган шаҳар ободонлаштириш бошқармаси агрономи, Наманган вилояти

**Хакимов Акобир Азимович** — Республика «Ҳунарманд» уюшмаси раисининг ўринбосари

**Ходжаева Мавлудахон Исламовна** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси

**Холмахматов Абдухалим** — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қашқадарё вилоятидаги Халқ қабулхонаси мудири

**Худойбердиев Сувонкул Раймбердиевич** — «Нуроний» жамғармасининг Янгиобод тумани бўлинмаси раиси, Жиззах вилояти

**Чориев Абдураим Равшанович** — Сурхондарё вилояти «Ал-Ҳаким ат-Термизий» ёдгорлик мажмуаси директори

**Юсупов Алижон Нигмонбекович** — Чилонзор туманидаги «Полимер пластик» масъулияти чекланган жамияти бош директори, Тошкент шаҳри

## «ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Азизов Нишонбой Абдукаримович** — Чортоқ туманидаги пойабзал таъмирлаш устаси, Наманган вилояти

**Акбарова Фотима Умархоновна** — Термиз шаҳридаги «Гулбаҳор нурли келажак» масъулияти чекланган жамияти тўқувчиси, Сурхондарё вилояти

**Ахмадалиева Нодирахон Набижоновна** — Ёзёвон туманидаги ҳунарманд-тикувчи, Фарғона вилояти

**Бойматова Гавҳар Шермаматовна** — Қарши шаҳридаги ҳунарманд-тикувчи, Қашқадарё вилояти

**Койлибаева Сарбиназ Кошкарбаевна** — Нукус шаҳридаги ҳунарманд-тикувчи, Қорақалпоғистон Республикаси

**Қодиров Салоҳиддин Мустафаевич** — Хатирчи туманидаги ҳунарманд-темирчи уста, Навоий вилояти

**Пардаева Шарафат Базарбаевна** — Бекобод туманидаги ҳунарманд-тикувчи, Тошкент вилояти

**Саидқулов Толиб Исоқович** — «Ортопедия реабилитацияси» масъулияти чекланган жамиятининг Жиззах вилояти ҳудудий филиали техник протезчиси

**Сапарова Дилдора Алимовна** — Янгибозор туманидаги ҳунарманд-тикувчи, Хоразм вилояти

**Тожибоева Мастурахон Журамирза қизи** — Пахтаобод туманидаги ҳунарманд-тикувчи, Андижон вилояти

**Умаров Улуғбек Кузихайдарович** — Мирзаобод туманидаги пойабзал таъмирлаш устаси, Сирдарё вилояти

**Худоярова Зилола Исматовна** — Нуробод туманидаги ҳунарманд-тикувчи, Самарқанд вилояти

**Ҳусенов Фазлитдин Равшанович** — Вобкент туманидаги пойабзал таъмирлаш устаси, Бухоро вилояти

**Шодиева Гузал Уктамовна** — Тошкент шаҳар карсоқовлар маданият маркази директори

## «КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Абдуалиев Нодир Уткир ўғли** — Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Янгиер шаҳар 6-умумий ўрта таълим мактабидаги бошланғич ташкилоти етакчиси, Сирдарё вилояти

**Базаров Фарид Уралович** — Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Ғузор тумани Кенгаши раиси, Қашқадарё вилояти

**Жалолов Зафаржон Сайфитдинович** — Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Сариосиё тумани Кенгаши раиси, Сурхондарё вилояти

**Ибрагимов Шоҳруҳ Олимович** — Ўзбекистон Миллий университети талабаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти аъзоси (Жиззах вилояти)

**Исмаилов Адҳамбек Бахрамович** — Урганч давлат университети талабаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти аъзоси, Хоразм вилояти

**Қонарбаев Давид Халбаевич** — Тошкент ахборот технологиялари университетининг Нукус филиали талабаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти аъзоси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Омонбоев Фазлиддин Лутфиддин ўғли** — Избоскан туманидаги 45-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти аъзоси, Андижон вилояти

**Рустамов Бобир Исматович** — Бухоро муҳандислик-технология институтининг «Таҳририй нашриёт» бўлими техник муҳаррири, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти аъзоси, Бухоро вилояти

**Рустамов Сардор Муйдинхон ўғли** — Наманган давлат университетининг педагогика-психология кафедраси таянч докторанти, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти аъзоси, Наманган вилояти

**Собирхонов Акбархон Азиз-ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ишланмаларни жорий этиш илмий-амалий маркази директорининг ўринбосари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти аъзоси, Тошкент шаҳри

**Солиев Жавоҳир Тоиржон ўғли** — Қува тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси умумий амалиёт шифокори, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти аъзоси, Фарғона вилояти

**Суярова Зилола Сирлибоевна** — Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Самарқанд давлат тиббиёт институти даволаш факультетидаги бошланғич ташкилоти етакчиси, Самарқанд вилояти

**Тайбагаров Еркебулан Акбергенули** — Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Томди тумани Кенгаши раиси, Навоий вилояти

**Ташматов Равшан Кобилович** — Тошкент давлат техника университети магистранти, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти аъзоси (Тошкент вилояти)

## «ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН
## (100 ёшдан ошганлар)

**Абдуллаева Зарифа** — Қумқўрғон тумани, Сурхондарё вилояти

**Арашова Сапар** — Олот тумани, Бухоро вилояти

**Атажанова Санам** — Боғот тумани, Хоразм вилояти

**Бекбутаев Атабала** — Асака тумани, Андижон вилояти

**Ғаниева Мўмина** — Навбаҳор тумани, Навоий вилояти

**Дармонова Бухалча** — Янгиқўрғон тумани, Наманган вилояти

**Касимова Мархамат** — Гулистон шаҳри, Сирдарё вилояти

**Мустафокулов Муртоза** — Қарши тумани, Қашқадарё вилояти

**Муҳаммадиев Абув** — Иштихон тумани, Самарқанд вилояти

**Позилова Шахринса** — Учкўприк тумани, Фарғона вилояти

**Розумова Аваз** — Тўрткўл тумани, Қорақалпоғистон Республикаси

**Хакимова Гулман** — Зарбдор тумани, Жиззах вилояти

**Халилова Махбуба** — Яккасарой тумани, Тошкент шаҳри

**Эргашова Шакарбуви** — Тошкент тумани, Тошкент вилояти

## «ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Абдуллаев Кудрат Косимжанович** — Наманган шаҳридаги «Наманган истиқлол боғи» масъулияти чекланган жамияти бошқаруви раиси, Наманган вилояти

**Ахмедов Баходир Атамуратович** — «Урганч Бахмал» масъулияти чекланган жамияти директори, Хоразм вилояти

**Бахриева Маряна Амриевна** — Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти Навоий вилояти ташкилоти раиси

**Бегимкулов Сайдимкул Шойимкулович** — Ўзбекистон Республикаси Товар-хомашё биржаси акциядорлик жамиятининг Сирдарё филиали директори

**Бурханов Акмал Эшондедаевич** — «Тараққиёт стратегияси» маркази ижрочи директори

**Дадажонов Мухаммаджон Мўйдинович** — Андижон шаҳридаги «Сабо ҳамкор» масъулияти чекланган жамияти директори, Андижон вилояти

**Дарханов Меҳрожидин Қобилович** — Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилояти Кенгаши раиси

**Даулетмуратов Турсинбай Сапарниязович** — Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг Чимбой тумани бўйича инспектори

**Жалилов Абдушукур Юлдашевич** — «Муборак газни қайта ишлаш заводи» масъулияти чекланган жамияти цех технологик қурилма оператори, Қашқадарё вилояти

**Жафаров Мурод Мирзахидович** — Ўзбекистон пластик, реконструктив ва эстетик жарроҳлар жамияти раиси

**Жўраев Исраилжон Икрамович** — Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Наманган вилояти Кенгаши раиси

**Жураев Шерзод Мусахонович** — Юқори Чирчиқ туманидаги «Мед стандарт гласс» масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент вилояти

**Искандаров Тургун Хасанович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор

**Камалов Кахрамон Юсуфханович** — Жиззах шаҳридаги «Жиззах текстиль» масъулияти чекланган жамияти бош директори, Жиззах вилояти

**Каримов Рахматилла Хамидиллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси

**Курбонов Шахзод Миртемирович** — «ЛУКОЙЛ Ўзбекистон Оперейтинг Компани» масъулияти чекланган жамиятининг Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси ишлаб чиқариш- диспетчерлик хизмати муҳандиси, Бухоро вилояти

**Маджидов Улугбек Валиевич** — Ўзбекистон Ракка қарши кураш жамияти президенти

**Мамаджанова Дилбархон Рахматовна** — Ўзбекистон Халқ демократик партияси Фарғона вилояти Кенгаши раиси

**Мардонов Фазлиддин Хабибович** — Самарқанд туманидаги «Агромир консерва» қўшма корхонаси директори, Самарқанд вилояти

**Махматмуминов Сайфулла Набиевич** — Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Қашқадарё вилояти Кенгаши раиси

**Мейлиева Саломат Куйлиевна** — Термиз шаҳридаги «Термиз Бўстон Лола» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, Сурхондарё вилояти

**Мухамадова Насиба Абдужаминовна** — Шайхонтоҳур тумани ободонлаштириш бошқармаси кўкаламзорлаштириш ишчиси, Тошкент шаҳри

**Мухамедалиев Анвар Усманович** — Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Метрология, ичимлик сув ишлаб чиқариш ва ичимлик сув истеъмолини ҳисобга олиш бўлими бошлиғи

**Назаров Шухрат Бахтиёрович** — Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари

**Наркулов Олимжон Кулдошевич** — Зарбдор тумани электр таъминоти корхонаси электромонтёри, Жиззах вилояти

**Нормуродов Анзур Авлоярович** — Қарши шаҳридаги «Дармон фарм» хусусий корхонаси раҳбари, Қашқадарё вилояти

**Рахмонов Джаббар Саттарович** — Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Китоб тумани кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, Қашқадарё вилояти

**Романов Тажибай Ниетуллаевич** — Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси

**Рузиев Алишер Абдимуминович** — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сурхондарё вилояти Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари — аппарат раҳбари

**Сабуров Бахтиёр Ахматжонович** — Бектемир туманидаги «Бектемир металл конструкциялари» масъулияти чекланган жамияти бош директори, Тошкент шаҳри

**Соатов Асадулло Уктамович** — Жиззах шаҳридаги «Жиззах пластмасса» акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш бўйича директори, Жиззах вилояти

**Тамиқаев Абдиҳамид Улашбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати девонининг раҳбари

**Татинцян Каринэ Валерьевна** — Самарқанд вилояти «Умид — Д» диабетга ва ногиронликнинг бошқа шаклларига йўлиққан инсонларга ёрдам кўрсатиш хайрия маркази раиси

**Тўйчиев Тохиржон** — «Нуроний» жамғармасининг Андижон шаҳар бўлинмаси раиси, Андижон вилояти

**Туракулов Фахриддин Шавкатович** — «JV MAN Auto-Uzbekistan» масъулияти чекланган жамиятининг кабина ишлаб чиқариш цехи менежери, Самарқанд вилояти

**Турсунбаева Саодат Гафуровна** — «Шарқ аёли» халқаро аёллар жамоат фонди бошқаруви раиси

**Тўхтабаев Абдурашид Турсунович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси

**Усмонов Талъат Субҳонкулович** — «Жиззах аккумулятор заводи» акциядорлик жамияти бош директори, Жиззах вилояти

**Утемуратова Хатира Бекмуратовна** — «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фондининг Амударё тумани таянч пункти директори, Қорақалпоғистон Республикаси

**Файзилов Мехрож Мусинжонович** — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Самарқанд вилояти Кенгаши раиси

**Хаджиев Илхом Абдукаюмович** — Наманган шаҳридаги «Ҳилол-тотли» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Наманган вилояти

**Хайитов Абдурасул Режаббаевич** — Янгиқўрғон туманидаги «Мўғол» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Наманган вилояти

**Хасанов Хислат Пулатович** — «UNICON.UZ» Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази давлат унитар корхонаси директорининг биринчи ўринбосари

**Ҳомидов Мақсуд Амонович** — Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Бухоро вилояти Кенгаши раиси

**Холдаров Бахром Шарофович** — Тошкент вилояти «Ижтимоий ҳимоя» жамияти раиси

**Эшонкулов Жовли Сувонович** — Шаҳрисабз тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси автогрейдерчиси, Қашқадарё вилояти

**Юсупов Данияр Юлдашевич** — Тўрткўл туманидаги «Бунёдкор Қорақалпоғистон» масъулияти чекланган жамияти директори, Қорақалпоғистон Республикаси

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,
2018 йил 29 август*

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Ўзбекистоннинг замонавий ва қулай авиалайнерлари Европа ва Осиёнинг 40 дан ортиқ шаҳрига парвоз этиб, Аляскадан тортиб, Янги Зеландиягача чартер қатновларини бажармоқда.

# «ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ»: ХАВФСИЗЛИК, БАРҚАРОРЛИК, ҚУЛАЙЛИК










УШБУ ТАМОЙИЛЛАР МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯМИЗ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИ БЎЛИБ КЕЛМОҚДА. «ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» ХАЛҚАРО АВИАТАШУВЛАР БОЗОРИДА МУНОСИБ ЎРИН ЭГАЛЛАБ, МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ФАХРИ ВА РАМЗИГА АЙЛАНДИ. «UZBEKISTAN AIRWAYS» БРЕНДИ БУТУН ДУНЁДА БАРҚАРОР, ХАВФСИЗ ВА ИШОНЧЛИ АВИАТАШУВЧИ СИФАТИДА ТАНИЛГАН ВА ЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН.

Ўтган йиллар давомида Миллий авиакомпания авиапарки «Airbus», «Boeing» замонавий самолётлари, жумладан, «Boeing 787 Dreamliner» ҳаво кемалари ҳисобига янгиланди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» ривожланиш стратегияси ҳамда авиапаркни модернизация қилиш дастурига мувофиқ, ўз паркини янги замонавий авиалайнерлар билан тўлдиришни давом эттирмоқда. 2019-2020-йиллар мобайнида иккита «AirbusA320 Neo» ва учта «Boeing 787 Dreamliner» самолёти олиниши кутилмоқда. Эътиборлиси, Дримлайнерлар келтирилиши билан миллий авиакомпаниямиз МДҲ давлатларида ушбу русумдаги самолётларнинг етакчи эксплуатанти бўлади. Янги замонавий ҳаво кемалари қулай, кенг ўриндиқлар, ҳар бир йўловчи учун алоҳида мўлжалланган кўнгилочар дастурли мониторлар, алоқа ва Wi-Fi тизимлари билан жиҳозланган бўлади. Бир сўз билан айтганда, парвоз вақтида йўловчиларга барча қулайлик таъминланади.

Миллий авиаташувчи ўз самолётларининг учишга яроқлилигини мустақил равишда таъминлаш имконига эга. «Uzbekistan Airways Technics» авиакорхонасида турли модификациядаги, жумладан, «Boeing 787 Dreamliner» самолётларини бўяшдан тортиб капитал таъмирлашгача бўлган мураккаб таъмирлаш ишлари бажарилади. Бу ерда нафақат авиакомпаниянинг ўз авиапарки, балки хорижий авиакомпаниялар самолётларига ҳам техник хизмат кўрсатилади.

Кадрларни тайёрлаш тизими такомиллаштирилмоқда. Бугунги кунда ўз учув таркиби ҳамда хорижий авиакомпаниялар учувчиларининг назарий ва амалий тайёргарлигини таъминлашга қодир профессионал ўқитувчилар таркиби ҳамда замонавий авиация тренажёрларига эга Миллий авиакомпания Ўқув-машқ марказида учувчиларни Ўзбекистонда тайёрлаш бўйича ишлар бошлаб юборилган. Бу йил марказ ўзининг дастлабки тингловчиларини қабул қилади.

Мамлакатимиз аэропортларининг ер усти инфратузилмаси модернизация қилинди. Янги замонавий йўловчи терминаллари қурилди, хизмат кўрсатиш технологияси яхшиланди ва учиш-қўниш йўлаклари реконструкция қилинди. Ҳаводаги ҳаракатни бошқариш замонавий марказлари эксплуатацияга топширилди. Ўзбекистон ҳаво кенглигидан фойдаланувчилар сони ва парвозлар хавфсизлигини янада ошириш имконини берувчи янги аэронавигация тизимлари жорий этилди. Республикамизнинг барча аэропортларида божхона чегараларидан ўтиш жойларида йўловчилар логистикасини яхшилаш ва божхона расмиятчилигини соддалаштириш имконини берган «қизил» ва «яшил» йўлакли тизим ҳам ишга туширилди.

Мамлакатимизнинг бош ҳаво дарвозаси — Ислом Каримов номидаги «Тошкент» халқаро аэропорти ўта муҳим ва тоифаланган объектлар хавфсизлигини таъминлашни ташкил этилишини назорат қилиш бўйича Республика идоралараро комиссияси томонидан хавфсизлик талабларига риоя қилган «Энг илғор ўта муҳим объект» сифатида эътироф этилди.

**Пойтахт аэропортида халқаро йўналишларда учиб келувчи йўловчилар учун янги учиб келиш терминали ишга туширилди. Соатига 1200 нафар йўловчигача хизмат кўрсатиш имконига эга янги бинонинг ишга туширилиши билан халқаро йўналишларда учиб келаётган йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифати сезиларли даражада ошди ва мамлакатга киришдаги зарурий текширув жараёнидан ўтиш вақти қисқарди. «Нукус» халқаро аэропортида соатига 400 нафар йўловчига хизмат кўрсатиш имконига эга янги йўловчи терминали эксплуатацияга топширилди.** Мазкур янги терминал йўловчилар ва уларнинг юкларига халқаро стандартларга мувофиқ хизмат кўрсатиш имконини берадиган энг замонавий техника билан жиҳозланган.

Туризмни ривожлантириш борасида ҳам жадал ишлар олиб борилмоқда. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Буюк Британия Мустақил сайёҳлик операторлари ассоциацияси (АИТО) аъзоси бўлди. Миллий авиакомпаниямиз хизматларини сотиш тармоғини кенгайтириш ва чет эллик сайёҳларни Ўзбекистонга жалб этиш бўйича хорижий ҳамда маҳаллий туроператорлар билан узвий иш олиб борилмоқда. Душанбе шаҳрига ҳамда Самарқанддан Истамбулга янги йўналишлар очилди, Лаҳорга парвозлар тикланди. Иссиққўл, Мальдив ороллари, Шарм-эл-Шейх ҳамда Бодрумга чартер қатновлари, европалик сайёҳларни жалб этиш мақсадида Милан ва Париждан Урганчга тўғридан-тўғри қатновлар бажарилмоқда.

**Дарвоқе, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» ФИФА-2018 футбол бўйича Жаҳон кубоги доирасида Колумбия, Мексика, Польша, Англия, Хорватия ва Франция терма жамоаларининг маъмурияти, мухлислари ва оила аъзоларини ташиш учун 12 та чартер қатновини амалга оширди.**

Давлатимиз раҳбари фармони билан тасдиқланган 2018-2019 йиллар учун сайёҳликни ривожлантиришнинг устувор чора-тадбирлари дастури ижросини таъминлаш мақсадида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Малайзия, Сингапур, Индонезия, Япония ва бошқа мамлакатлардан зиёрат туризми йўналиши бўйича республикамизга сайёҳларни жалб қилмоқда.

Хорижий сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорликда республикадаги муқаддас жойларга қисқа муддатли саёҳатлар билан бир қаторда, транзит сайёҳлар учун «Ўзбекистон +» тур пакетлари ишлаб чиқилмоқда. Шунингдек, узоқ ва яқин хориж мамлакатларидан Урганч, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларига тўғридан-тўғри қатновларни йўлга қўйиш масаласи ҳам ўрганилмоқда.

**«Ўзбекистон ҳаво йўллари» вертолётларида юртимизнинг гўзал гўшаларига сайр қилиш хизмати жорий этилди.** Мазкур хизмат сайёҳлик агентликлари, туроператорлар ва барча хоҳловчиларга таклиф этилади. Ўз касбининг устаси бўлган вертолёт учувчилари сайёҳларнинг нафақат хавфсизлигини таъминлайди, балки манзилга тез ва қулай элтиб ҳам қўйишади.

Миллий авиакомпания республиканинг экспорт салоҳиятини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Қишлоқ хўжалиги ва тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилиш учун махсус имтиёзли тарифларни тақдим этаётир. Экспортчиларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида авиакомпания шартномаларни тузиш, экспорт юкларини қабул қилиш ва бронлаш учун соддалаштирилган тартиб-қоидаларни жорий этди.

Парвозлар бажарилиши мунтазамлигини таъминлаш ва хизмат кўрсатиш даражасини яхшилаш учун сезиларли ишлар амалга оширилди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси чет эл аэропортлари томонидан бир неча бор энг пунктуал авиакомпания деб эътироф этилди. «Домодедово», «Сочи», «Краснодар», «Қозон» ва бошқа аэропортларнинг мунтазам йўловчи қатновларини ўз вақтида бажарганлик учун тақдим этган дипломлари бунинг яққол далилидир.

Йўловчилар учун озиқ-овқат таркиби ва уни тақдим этиш технологияси бутунлай қайта кўриб чиқилди, кўнгилочар медиа-контентнинг янгиланиш тезлиги оширилди, бизнес-класс йўловчилари учун янги сифатли йўл анжомлар тўплами тақдим этилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» муваффақиятли фаолияти давлатимизнинг чуқур ўйланган ва тўғри йўналтирилган сиёсати, халқимизнинг хавфсиз ва муносиб ҳаёти, мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорликнинг мевасидир.

**Алишер РЎЗИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# «ТАДБИРКОРЛИККА ЎРГАТАМИЗ, ШАРОИТ ЯРАТАМИЗ»

**Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, «Ҳунарманд» уюшмаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ихтирочи аёллар маркази томонидан Қибрай туман Маданият уйида хотин-қизларнинг инновацион тадбиркорлик ҳафталиги ўтказилди.**

Унга Қибрай туманидаги 86 маҳаллада яшаётган ҳунармандчилик ва тадбиркорликка қизиқиш билдирган 400 нафардан ортиқ хотин-қиз ҳамда имконияти чекланган аёллар таклиф этилди. Ҳафталик доирасида ташкил этилган маҳорат дарсларида тажрибали усталар хотин-қизларга ҳунармандчиликнинг 12 хил йўналиши бўйича тушунчалар берди. Ҳунарманд ва тадбиркор аёлларнинг инновацион кўргазмасида улар томонидан тайёрланаётган турли хил маҳсулотлар, кийим-кечаклар намойиш этилди.

— Асли касбим ҳисобчи бўлса ҳам ёшлигимдан тикувчиликка қизиқардим, — дейди **кўргазма иштирокчиси, Қибрай туман тадбиркор аёллар уюшмаси раҳбари Нодира Маннопова.** — Бундан ўн йилча муқаддам тикувчилик бўйича хусусий тадбиркорликни бошладим. Тўғриси, жуда кўп тўсиқларга учрадим, лекин бўш келмадим. Мен инновацион ғоя сифатида шажара усулида шогирд тайёрлаш усулини ушбу ярмарка иштирокчиларига таклиф қилдим, ҳаммага маъқул бўлди.

Бу усул нимадан иборат? Мен бундан ўн йил олдин ишни бир ўзим бошлаган бўлсам, ҳозир жамоамизда 70 дан ортиқ хотин-қиз иш билан таъминланди. Шогирдларимга бичиш-тикишни тўла ўргатиб бўлганимиздан сўнг уларни алоҳида ажратиб чиқараман ва жой билан таъминланишига ҳаракат қиламан. Ўз навбатида, улар мустақил иш бошлаганидан кейин 3-5 тадан иш ўрни яратади. Ана шу шажара усули дейилади.

Инновацион лойиҳа асосида иш ўрнини яратиш бўйича Турин университетида ўтказилган ўқув ҳафталигида Тошкент вилояти тадбиркор хотин-қизлари ўртасида ғолиб бўлдик. Ўша ерда ўтказилган кўргазмада Қозоғистондан келган тадбиркорлар бизнинг трикотаж маҳсулотларимиздан жемперга қизиқиб қолибди ва телефон рақамини ташлаб кетишибди. Улар бу маҳсулотдан 50 мингтагача тайёрлаш бўйича буюртма беришди.

Инновацион тадбиркорлик ҳафталиги кўргазмасига тўқув ва трикотаж маҳсулотлари билан қатнашаяпмиз. Тикув машинаси ва тўқув анжомларини ҳам олиб келганмиз. Иш ўрганишга келган хотин-қизларга шу ернинг ўзида қизиқишига қараб тўқувчилик ёки тикувчиликда ўзини синаб кўришга имкон бераяпмиз. Ҳар куни 10-12 тагача хотин-қиз ана шу касбда ишлаш хоҳишини билдираяпти, уларни шогирдликка олаяпмиз.

Туман ҳокимлиги тадбиркорлик фаолиятимни кенгайтириш учун 0 қийматда бино берадиган бўлса, 4 йўналишда — сартарошлик, тикувчилик, тўқувчилик, сайёҳлик бўйича ўқув маркази очмоқчиман. Ҳозир ўқувчи ўғил-қизларимиз учун тикилаётган мактаб формалари, кўйлаклар, катталар учун қоракўл ёқали камзул, енгил пальто, куртка сингари трикотаж маҳсулотларимизга қизиқиш билдирилаяпти. Уларни узоқ ва яқин хорижга экспорт қилиш бўйича музокаралар олиб борилмоқда.



— Мен уйда ҳар хил ўлчамдаги дастурхон тикиб сотаман, — дейди **тадбиркор Садорат Абдуллаева.** — Ўзим олий маълумотли педагог-психологман, 30 йил боғча мудираси бўлиб ишлаганман. Пенсияга чиққанимдан кейин шу иш билан шуғулланиб, аёлларга, ёш қизларга касбимни ўргатаяпман. Буюртма жуда кўп. Бош вазир ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Танзила Норбоева кўргазмага қўйилган турли бичимдаги дастурхонларни кўрди. Комиссия менга шу иш бўйича тадбиркорлик фаолияти юритишим учун жой ажратиб берадиган бўлди.

— Ҳафталик доирасида оғир турмуш шароитида яшаётган ҳамда ногиронлиги бўлган хотин-қизлар қизиқишлари асосида «Ҳунарманд» уюшмаси томонидан устозларга бириктирилиб, уларга меҳнат дафтарчалари очилди, — дейди **Хотин-қизлар қўмитасининг бўлим бошлиғи Карима Норқулова.** — Хотин-қизларга ҳунар ва тадбиркорлик сирларини ўргатиш билан бирга, банкдан келган мутахассислар томонидан кредит олиш бўйича маълумотлар берилди. Уста ва шогирдларга сертификатлар топширилди. Туман Бандликка кўмаклашиш маркази томонидан Бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди.

Ҳафталик давомида хусусий тадбиркорликни йўлга қўйишга астойдил ҳаракат қилаётган кўплаб хотин-қизларнинг бизнес-лойиҳалари билан танишдик. Биласизми, уларнинг фаоллигига, тиришқоқлигига тан бермай илож йўқ. Масалан, тадбирнинг биринчи куни келган бир қизимиз оддий ёғоч қипиғидан пресслаб тайёрланадиган эшиклар ясайдиган фаолиятини бошлаш учун бизнес-режа қилиб келибди. Комиссия уни ўрганиб чиққач, 100 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит олиш учун унга йўлланма бердик. Яна бир қизимиз қуритилган мева-чеваларни қадоқлаб, хорижга экспорт қиладиган цех очмоқчи. Унга 80 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит олишга йўлланма берилди. Бундай тадбиркорликка интилиши бўлган хотин-қизларимизнинг кўплиги кишини қувонтиради.

Ҳафталик доирасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Танзила Норбаева ва Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари, Республика «Ҳунарманд» уюшмаси раиси Улуғбек Абдуллаев томонидан ҳунарманд хотин-қизларнинг халқаро ва республика миқёсидаги танлов, кўргазма ва анжуманларда иштирок этишларини таъминлаш, уларни уюшмага аъзо қилиш, устоз-шогирд мактабларини ташкил қилиш мақсадида ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Ҳафталикда бир неча юзлаб хотин-қизлар касб-корга, ҳунарга, тадбиркорликка ўргатилди. Уларга ўз истеъдодларини намоён қилишларига имконият яратиш мақсадида Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкор ташкилотлар билан бирга йил давомида малака ошириш курслари, касб-ҳунарга йўналтирилган курслар ва маҳорат дарслари ташкил қилиб боради. Қибрай ташаббуси келажакда республика миқёсида оммалаштирилиши кўзда тутиляпти.

**Нуруллоҳ ДОСТОН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Миллий матбуот марказида ўтказилган матбуот анжуманида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан олий таълим тизимига жорий этилган янгиликлар ва соҳага оид бир қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳақида батафсил маълумот берилди.

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА

## янги ўқув жараёни замонавий, инновацион тажрибалар асосида ташкил этилади

Анжуманда 2018/2019 ўқув йилида республикамиздаги мавжуд 60 та олий таълим муассасаси ва уларнинг 19 та филиалларига 620 мингдан зиёд абитуриент илк маротаба 13 кун давомида замонавий ахборот технологиялари асосида қабул бўйича тест синовлари топширгани таъкидлаб ўтилди.

Натижаларга кўра, республика бўйича ўртача ўтиш кўрсаткичи давлат гранти асосида 123,0 баллни, тўлов-контракт асосида 101,9 баллни ташкил этди. Соғлиқни сақлаш, педагогика, қишлоқ хўжалиги ва ветеринария таълим йўналишлари бўйича ҳудудлар кесимида тасдиқланган мақсадли қабул квоталари доирасида 2 минг 214 нафар абитуриент ўқишга қабул қилинди.

Хорижий фуқароларни олий таълим муассасалари бакалавриатига қабул қилиш квоталаридан ташқари, суҳбат асосида тест синовларисиз ўқишга қабул қилиш тартибига кўра, 1 минг 924 нафар хорижий фуқаро ўқишга қабул қилинди.



Янги ўқув йилидан бошлаб ўқиш муддати уч йил бўлган «Мактабгача таълим» ҳамда педагогика соҳаси бўйича «махсус сиртқи бўлим», тегишли соҳалар бўйича ўқиш муддати беш йил бўлган «сиртқи бўлим» бакалавриат таълим йўналишлари ўз фаолиятини бошлади.

— 2018/2019 ўқув йилида олий таълим муассасаларида ўқув жараёни янгидан такомиллаштирилган меъёрий ҳужжатлар асосида ташкил этилаяпти, — деди **Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари Одил Абдураҳмонов.** — Ўқув режалари буюртмачи ташкилотлари билан ҳамкорликда тайёрланаяпти. Бунда фанлар сони оптималлаштирилиб, амалиёт дарслари кўпайтирилади. Битирувчи талабалар топширадиган якуний давлат аттестация имтиҳонлари камайтирилиб, асосан битирув малакавий ишлари ёки мутахассислик фанларидан давлат имтиҳонларига эътибор қаратилади.

Талабалар ўзлаштиришини баҳолашнинг шаффоф ва замонавий тизими жорий этилаяпти. Бунда аввалги 100 баллик тизимдан воз кечилади ва 5 баллик баҳолаш киритилади. Педагогнинг якуний назорат жараёнларидаги иштирокини истисно этадиган тизимга алоҳида эътибор қаратилади. Профессор-ўқитувчилар учун «вақт меъёрлари»нинг янги механизмлари ишлаб чиқилмоқда.

Синов тариқасида республикадаги 5 та олий таълим муассасасида 2018-2019 ўқув йилидан қўшма диплом дастури асосида бакалавр ва магистратура босқичларида кадрлар тайёрлаш амалга оширилади. Айни пайтда вазирлик хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма дастурларни жорий этиш асосида кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш бўйича музокаралар олиб бораяпти.

Жорий йилнинг 1 сентябридан бошлаб олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг ва илмий-тадқиқот муассасалари илмий ходимларининг базавий лавозим маошлари тегишли равишда табақалаштирилган ҳолда ўртача 25 фоизга оширилди.

Олий таълим тизимида мамлакатимиздаги мавжуд иқтисодиёт соҳалари ва ҳудудларни комплекс ривожлантиришнинг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда янги таълим ихтисослиги йўналишлари очилади ҳамда бакалавриат, магистратурага талабалар қабул қилишнинг умумий кўрсаткичлари 2021 йилгача босқичма-босқич 18 фоизгача оширилади.

**Ўз мухбиримиз.**

O'ZBEKISTON OVOZI
• 2018-yil, 30-avgust. Payshanba
• 83-84 (32.452)-son



# ЎЗБЕКИСТОНДА ЯДРО ЭНЕРГЕТИКАСИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мамлакатимиз Президентининг энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш ҳамда атом энергетикасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори ва фармони иқтисодиётимиз ривожида янги босқични бошлаб беради.

Ўзингиз ўйлаб кўринг, бугун ҳаётимизни, тараққиётимизни энергия таъминотисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Мамлакатнинг иқтисодий негизини белгилаб берувчи юзлаб ишлаб чиқариш корхоналари, заводлар, фабрикалар ва саноат объектларининг тўлиқ қувват билан ишлаши, аҳолининг уй-жой, кундалик ҳаёти учун зарур шарт-шароит яратиш электр энергияси билан боғлиқ. Ўз навбатида, бу эҳтиёжларни қондиришнинг энг мақбул йўли – мамлакатимизда атом электр станциясини қуришдан иборат.



Маълумотларга кўра, бугунги кунда республикамизда 55 миллиард КВт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилмоқда. Бу энергия 10 иссиқлик электр ва 30 гидроэлектр станцияларида (ГЭС) ҳосил қилинмоқда. Яна ҳам аниқ қилиб айтадиган бўлсак, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг бир қисми ГЭСлар, қолган қисми иссиқлик электр станциялари ҳиссасига тўғри келмоқда. Айтиш жоизки, мана шу миқдор ҳам мамлакатимизда энергияга бўлган эҳтиёжнинг, агар бу эҳтиёж салкам 70 миллиард КВт/соатни ташкил этишини назарда тутсак, 75-80 фоизини қондира оляпти холос.

Демак, ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг 80-90 фоизини иссиқлик электр станцияларида ҳосил қилинаётгани ойдинлашади. Бу эса иссиқлик электростанцияларида ҳар йили тахминан 17 миллиард куб метр табиий газ, 90 минг тоннага яқин нефть маҳсулотлари, 2,5 миллион тонна кўмир сарфланади, деган гап. Бу рақамларни айтиш осон, аммо ёқилғиларнинг ёниши туфайли табиатга, атмосферага жуда катта миқдорда С ёки бошқа заҳарли газлар тарқалаётганлигини, бу эса атроф-муҳит экологиясига, қолаверса, инсонлар саломатлигига, биосферада ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ривожланишига қанчалик зарар етказилаётганлигини ҳисоблаш қийин эмас.

Бундан ташқари, электр энергиясини нефть, газ ва кўмир ҳисобидан ҳосил қилиш имконияти ҳам чегараланган – ёқилғи захираларининг тугаш эҳтимоли бор.

Аҳоли сони арифметик прогрессия йўли билан ўсиб бормоқда, республикамиз аҳолисининг сони бугун 32 миллион кишидан ортиб кетди. Бундай шароитда аҳолини мунтазам электр энергияси билан таъминлаш борасидаги муаммога оқилона ечим топишни замоннинг ўзи талаб қилмоқда.

Хўш, атом электр станциясининг аҳамиятли жиҳати нимада, деган ҳақли савол туғилиши табиий. Тушунарли бўлиши учун, дунёда ривожланган мамлакатларнинг барчаси атом қувватидан оқилона фойдаланиб келаётганини айтишнинг ўзи кифоя.

Республикамизда АЭС қурилиши Россия федерациясининг «Росатом» давлат корпорацияси билан ҳамкорликда амалга оширилиши мўлжалланган бўлиб, агар мамлакатимизда атом энергиясидан тўлиқ фойдаланишга ўтилса, биринчидан, энергиянинг муайян бир қисмини экспорт қилиш имконияти туғилади, иккинчидан ҳар йили ўртача 17 миллиард куб метр табиий газ ёки нефть ва кўмир маҳсулотлари тежалиб, табиий газ ёнишидан ҳосил бўлган миллионлаб тоннадан ортиқ заҳарли газлар атроф-муҳитга тушмайди, ёки аксинча, ўн минглаб хонадонларда газ таъминоти яхшиланади. Бу ёқилғи нархи жаҳон бозоридаги нархга тенглаштирилса, мамлакат бюджетида ҳам қанча маблағ иқтисод қилинишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Агар атом энергиясининг таннархи иссиқлик электростанцияларида ҳосил қилинаётган электр энергияси таннархидан камида 7-8 марта паст эканлиги ҳисобга олинса, атом энергиясининг қанчалик кони фойда экани маълум бўлади. Бундан ташқари, АЭС ишга тушгандан кейин бир неча мингдан ортиқроқ малакали мутахассислар доимий иш билан таъминланади.

Яна бир муҳим томони – АЭСларда хавфсизлик масаласи ҳамда келгусида бундай нуфузли ва масъулиятли корхонада ишлайдиган мутахассисларни тайёрлаш масаласидир.

Ўзбекистоннинг ядро энергетикасини ривожлантириш бўйича бошлаган саъй-ҳаракатлари дунё ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотмоқда. Жаҳоннинг таниқли олимлари бу ҳаракатларни қўллаб-қувватламоқда ва Ўзбекистон имкониятларини юқори баҳоламоқда.

Бу борада Самарқанд давлат университетида бир қатор ишлар режали тарзда амалга оширилмоқда: ядро физикаси кафедрасида атроф-муҳит радиацион ҳолатини ўрганиш борасида «Физикавий экология», «Амалий ядро физикаси ва ядро энергетикаси» каби фанлар ўқув режасига киритилиб, тегишли фанлар бўйича ўқув дастурлари ҳам яратилди. Шунингдек, физикавий экология соҳасида магистр мутахассислар тайёрланмоқда.

Яқинда кафедра битирувчиларидан 2 нафари Москва физика муҳандислик институтининг «Ядро энергетикаси» ва «Ядро физикаси ва технологиялари» мутахассисликлари бўйича ўтказилган танловда муваффақиятли қатнашиб, грант асосида магистратурада ўқиш имкониятига эга бўлди. Факультетнинг 4 нафар битирувчиси Санк-Петербург муҳандислик-техника институтига бюджет асосида магистратурага қабул қилинди. 2018 йил апрель-май ойларида кафедранинг 2 нафар ёш ўқитувчиси Москва давлат университети ядро технологиялари лабораториясида ва Бирлашган ядро тадқиқотлари институти (БЯТИ)да малака оширди.

Бу йўналишда келгусида ҳам ҳамкорлик қилиш истиқболлари келишиб олинди. Факультетнинг энг иқтидорли талабалари орасидан Ядро физикаси соҳасида илмий-тадқиқот ишларига лаёқати бўлган йигит-қизларни саралаш ишлари ҳам олиб борилмоқда ва келгусида уларни магистратура орқали юқори малакали мутахассислар қилиб тарбиялаш режалаштирилган.

Мамлакатимизда экологик тоза ва арзон электр энергиясини ҳосил қилиш ва бу орқали электр энергиясига бўлган эҳтиёжни тўла қондириш давр талаби ва бу соҳада ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида иш олиб бориш аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

**Рашид ЭШБЎРИЕВ,**
**Самарқанд давлат университети ядро физикаси кафедраси мудири, доцент.**

*Матбуот анжумани*

# БАНК ТОМОНИДАН АВТОКРЕДИТ ОЛИШДА

## ҳужжатлар янада соддалаштирилди




«Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки томонидан «Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда мижозларга кўрсатилаётган масофавий банк хизматлари» мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.

— Президентимизнинг 2018 йил 23 мартдаги «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида аҳоли ва мижозларга масофавий банк хизматлари кўрсатиш, замонавий ва илғор банк хизматлари турларини амалиётга татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратмоқда, — дейди **«Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки ахборот технологиялари департаменти бошлиғи ўринбосари Улуғбек Исломов.** — Бугунги кунда банк томонидан юридик шахслар учун «интернет-банкинг», «мобиль-банкинг», «СМС-банкинг» хизмат турлари жорий этилган бўлса, «мобиль-банкинг», «СМС-хабарнома», «депозит банкинг» эса жисмоний шахсларга мўлжалланган. Ушбу хизмат турларининг ҳар бири ўз мижозларига эгадир. Бундан ташқари, мижозларга замон талаби даражасида хизмат кўрсатиш мақсадида инновацион технологияларга асосланган ҳамда банк хизматлари сифатини ва улардан фойдаланиш имкониятларини оширувчи банк хизматларининг янги турларини жорий қилиш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

— Бугунги кунда кўплаб фуқароларимизни ҳамда банкимиз мижозларини қизиқишларини инобатга олган ҳолда автокредит олиш имкониятини янада енгиллаштирдик, — дейди **«Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки бошқарма бошлиғи Камол Турдиев.** — Хусусан, банкимиз тўрт йилга олти ойлик имтиёзли давр билан автокредитлар ажратишни бошлади. Энг муҳими эса ҳужжатлар соддалаштирилган бўлиб, паспорт ва ишхонадан маошингиз ҳақида маълумотнома бўлса, бас. Яна бир муҳим жиҳати, йилига 22 фоиз билан Тошкент шаҳридаги «Poytaxt avto tex savdo» автосалонидан ўзингиз орзу қилган автомобилни олиб чиқиб кетишингиз мумкин.

Бундан ташқари, банкимиз томонидан жорий этилган микроқарз бериш жараёнидан ҳам фойдаланаётганлар сони кундан-кунга ортмоқда. Ўтган қисқа фурсатда уларнинг сони беш юз нафардан ошди. Бунда сиз 18 миллион сўмгача бўлган маблағни бир йилга олишингиз мумкин. Бунга ҳам ортиқча ҳужжатлар талаб этилмайди. Фақат паспорт ва ишхонадан маошингиз ҳақида маълумотнома тақдим этилса бўлди. Яна шуни қўшимча қилиб айтиш мумкинки, микроқарз олувчининг истагига кўра хоҳласа пластик карточкада, хоҳласа нақд пулда олиши мумкиндир.

Шунингдек, тадбирда банк томонидан кўрсатилаётган масофавий хизматлар, уларнинг афзалликлари ва жорий қилиниши режалаштирилаётган янги инновацион лойиҳалар тўғрисида ҳам батафсил маълумот берилди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# БАЙРАМГА ТУҲФА

Самарқанд тумани маркази — Гулобод қўрғони йил сайин гўзаллашиб, аҳоли турмуш фаровонлиги учун яратилаётган қулайликлар тобора ошиб бормоқда. Айниқса, кейинги йилларда барпо этилган уй-жойлар, маданий-маиший, савдо хизмати кўрсатишга мўлжалланган шохобчалар аҳоли турмуш тарзининг янада яхшиланишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айни пайтда туманда юқумли касалликлар шифохонаси қурилиши учун республика бюджетидан 2 миллиард 900 миллион сўм ажратилган бўлиб, ҳозирга қадар иш ҳажмининг 80 фоизи бажарилди. Ташкилотда 70 нафар қурувчи меҳнат қилаяпти.

— Туманимиз марказий шифохонаси Самарқанд шаҳрига анча яқин жойлашган, — дейди **тадбиркор Даврон Исломов.** — Янги юқумли касалликлар шифохонаси эса туман маркази атрофида қад ростлаяпти. Бу эса аҳоли учун анчагина қулайлик яратади. Бу ерда қурилиш ишларини олиб бораётган МЧЖга ўғлим Алишер раҳбарлик қилаяпти. Бу иншоотни мустақиллигимизнинг 27 йиллик байрами арафасида фойдаланишга топшириш учун ҳаракат қиляпмиз.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**






# «МУРУВВАТ» УЙИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистон Республикасига илк ташрифи чоғида Хўжайли туманидаги «Мурувват» ногирон хотин-қизлар интернат уйида бўлиб, яратилган шароитлар талаб даражасида эмаслиги, «Мурувват» уйи биносининг таъмирталаб ҳолатда эканлигини таъкидлаб, керакли кўрсатмаларни берган эди.**

Шундан сўнг «Инвестиция дастурига» мувофиқ давлат бюджети ҳисобидан 2017-2018 йиллар давомида Хўжайли «Мурувват» ногиронлар учун аёллар интернат уйи қурилишига 8 млрд. сўм маблағ ажратиш режалаштирилди.

Бош пудратчи «Инвест строй Нукус» масъулияти чекланган жамияти томонидан 2017 йил февраль ойида 3 гектар майдонда 250 ўринга мўлжалланган умумий қиймати 16,252 млрд. сўмлик интернатнинг янги биноси қурилиши бошланган эди.

— Дастлаб 14 млрд. сўм маблағ ҳисобига 7 корпусга эга «Мурувват» ногиронлар учун аёллар интернат уйида қурилиш ишларини олиб бордик, — дейди **«Инвест строй Нукус» масъулияти чекланган жамияти иш юритувчиси Унгарбой Ақназаров.** — Қурилиш ишларига 300 дан ортиқ киши ва кўплаб техника жалб қилинди. Интернат иморатида қабулхона, озиқ-овқат омборхонаси, 15 ўринга мўлжалланган сил касаллиги бўлими, 170 кишилик мажлис хонаси, 170 ўринга мўлжалланган ошхона, кутубхона, тикув цехи, волейбол, баскетбол ва теннис майдончалари мавжуд. Беморлар учун барча шароитлар мужассам қилинган.

— Беморларга зарур шароитларни яратиш мақсадида қўшимча 2 млрд. 252 млн. сўм маблағ ҳисобига ишлар олиб борилди, — дейди **«Мурувват» ногиронлар учун аёллар интернат уйи директори Лида Ким.** — Янги иморат лойиҳасини ипидан игнасигача ўрганиб, керакли шароитларни яратишга ҳаракат қилдик. Биз давлатимиз раҳбаридан жуда миннатдормиз.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллик байрами арафасида «Мурувват» уйининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлари, меҳнат фахрийлари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

«Мурувват» ногиронлар уйига Президент совғаси «Isuzu» автобуси топширилди.

**Мнажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

ЭЪЛОН

**Барча лойиҳа ташкилотлари раҳбарлари диққатига!**

**АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Тошкент шаҳар минтақавий филиали**

Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 282-уй манзилида қурилиш режалаштирилаётган банк филиали биносининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Таклифлар 2018 йил 12 сентябрь соат 17:00 гача қабул қилинади.

**Мурожаат учун телефонлар: 150-77-02, (98) 115-07-34.**

*Хизматлар лицензияланган.*

«Дўстимнинг тақдири» балладасида 30-йиллар қатағони, унинг қурбонлари қаламга олинган.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

# «ЮРАК САДОСИ»

«SHARQ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти ана шу ном остида истеъдодли шоир ва драматург, публицист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Эгам Раҳим қаламига мансуб сайланмани босмадан чиқарди.




Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, Ёзувчи Эркин Самандар сўзбошиси билан бошланган сайланмадан шеърлар, достонлар, драмалар, очерк ва лавҳалар, таржималар ўрин олган. Шунингдек, сайланманинг «Шоир ҳақида замондошлари» деб номланган бобида ЎзРФА академиги Саъдулла Искандаров, Ўзбекистон халқ шоири Барот Бойқобилов, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикаларида хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир Ошиқ Эркин, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналистлар Жаббор Раззоқов, Раъно Зарипова сингари ижодкорларнинг Эгам Раҳим ҳақидаги хотиралари берилган.

Эгам Раҳим чорак асрдан зиёд вақт мобайнида «Хоразм ҳақиқати» газетасига муҳаррирлик қилди. «Эгам Раҳим муҳаррирлик қилган газета вилоятнинг барча каттаю кичик қаламкашларига бағрини кенг очган, илҳом булоғи қайнаб турган ҳақиқий ижод маскани эди», — деб эслайди ўз хотираларида **Жаббор Раззоқов.**

Эгам Раҳим журналистлик фаолияти билан бир қаторда, баракали ижод қилди. Айниқса, Хоразм мавзусида ёзилган шеърлари шоир ижодининг асосини ташкил этади. Сайланманинг «Салом сизга Хоразмдан» деб номланган бўлимидан жой олган шеърларда шоирнинг шу қуёшли заминда туғилиб, вояга етгани, дўсту қадрдонларининг меҳр-муҳаббатидан фахр-ифтихор туйғулари уфуриб туради. «Салом сизга Хоразмдан», «Хоразм гапиради», «Хоразм», «Янги қадам», «Жайҳун нидоси», «Нур дарёси», «Қалбим қиссаси», «Озерний ҳақида баллада» сингари кўплаб шеър ва очерклар ана шулар жумласидандир.

Шоир бугунги кун ва келажак тўғрисида ниманики ёзмасин, унинг диққат марказида ўз халқининг ўтмиши, ҳозирги куни ва келажаги ҳақидаги ўйлар ётади. Сайланмага киритилган қадим Хоразм тарихидан ҳикоя қилувчи «Калтаминор ҳикояси», «Чингиз босқини», «Паҳлавон Маҳмуд» каби асарлар фикримиз далилидир. Шунингдек, «Дўстимнинг тақдири» балладасида 30-йиллар қатағони, унинг қурбонлари қаламга олинган.

«Эгам Раҳим ижоди билан танишар экансиз, нозик дидли, юксак мулоҳазали, маданиятли, юраги кенг, фикрлари тиниқ, ўз туғилган жойига садоқатли, фидойи ва жўмард инсон кўз олдингизга келади, — **деб ёзган эди Барот Бойқобилов.** — У ҳамиша муҳтожларга ёрдам кўрсатишга ошиққан, бировлар ташвишидан озор чекиб, уларга ёрдам кўрсатиб, шундан ўзига ором топувчи инсон эди».

Эгам Раҳим ижодидаги яна бир энг қадимий мавзу — меҳр-муҳаббат ҳақида. Шоир ҳали ҳаётлиги даврида унинг жуда кўплаб шеърлари қўшиққа солинди, ҳозир ҳам ҳофизларнинг куй-қўшиқларида янграмоқда. У қорақалпоққа ҳам, қозоққа ҳам, қирғизга ҳам, туркманга ҳам шеър бағишлади, уларни ҳамжиҳатликка чорлади, дўст-биродарликка даъват қилди. Эгам Раҳим «Авлодлар қўшиғи» шеърида шундай ёзади:

**Оғир дамда метин ирода**
**Ҳамжиҳатлик, бирлик қалбимиз.**
**Биз шундай халқ: буюк ва содда,**
**Яхшиликка кенгдир бағримиз.**

Эгам Раҳим 59 ёшида — 1977 йилда оламдан ўтди. Лекин шоирнинг иккинчи умри шеърларида, фарзандлари, невара-эваралари тимсолида давом этмоқда. Эгам Раҳим таваллуд топганлигининг 100 йиллиги муносабати билан чоп этилган яхшиликка, бағрикенгликка йўғрилган ушбу «Юрак садоси» сайланмаси, ўйлаймизки, ўқувчиларга манзур бўлади.

**Нуруллоҳ ДОСТОН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**



Хизматлар лицензияланган.

# ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Реклама ўрнида

«Асака» банкнинг Самарқанддаги «Афросиёб» филиали бошқарувчиси хонасига кириб келган мижозлар банкдан имтиёзли кредит олиш истагида эканлигини айтишди.

— Бемалол, — деди филиал бошқарувчиси Отабек Тўғизов. — Банкимизда қулай имкониятлар яратилган.

Мижозлардан бири билан суҳбатлашдик.

— Юртимизда қулай ишбилармонлик муҳити яратилгани бизни фақат хурсанд қилади, — деди у. — Ўзимдан қиёс, бизнесимни йўлга қўйиш ниятидаман. Аммо етарли маблағга эга эмасман. Қолаверса, рўзғор тебратиш учун ҳам молиявий имкониятим яхши эмас. Аммо банк кўмагида бу ишнинг уддасидан чиқса бўларкан. Имконият ва имтиёзлар билан танишиб, шундай хулосага келдим...

Филиал бошқарувчиси бир қанча кам даромадли оилаларнинг банк кредити орқали тадбиркорликни йўлга қўйиб, даромад кўраётгани, оиласи ва маҳалласи ободлигига ҳисса қўшаётгани ҳақида гапириб берди. У банк сармояси эвазига ҳудудларда аҳоли талаб ва эҳтиёжи учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётгани, янги иш ўринлари яратилаётганини алоҳида тилга олди.

— 2017 йилнинг «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилиниши мамлакатимиз банк тизими олдига кўпгина вазифаларни қўйган эди, — дея давом этди бошқарувчи. — Бу борада барча молия муассасалари қатори «Асака» банк тизимида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Масалан, филиалимиз жамоаси ҳам халқ билан кўпроқ мулоқотда бўлишга, фикрларини ўрганиш асносида муаммоларни бартараф этишга кўмаклашишга ҳаракат қиляпти. Тадбиркорлар сафини янада кенгайтириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш доимий эътиборимизда. Аҳоли ўртасида имтиёзли микрокредитлар самараси ҳақида суҳбатлар ўтказилиб, тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Масалан, банк филиали ходимлари Президентимизнинг «Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги» қарори ижросини таъминлаш мақсадида Иштихон туманидаги 25 маҳалла фуқаролар йиғинидаги хонадонларда тарғибот ишларини олиб боришди. Ҳудуддаги кўплаб оилаларга банк кредитлари ажратилди.

Шунингдек, профилактика инспекторларига «GM Ўзбекистон» томонидан ишлаб чиқарилган «Матиз» русумли автомашина сотиб олиши учун «Афросиёб» филиали томонидан 714 нафар ички ишлар ходимига кредитлар ажратилди.

Бугунги кунда иқтисодиётимизнинг таянч соҳасига айланган кичик бизнесни янада тараққий эттириш, айниқса, банк-молия тизими зиммасига юксак масъулият ва вазифаларни юклайди. Шундан келиб чиқиб, молия бозорида етакчилик мавқеини мустаҳкамлаб келаётган «Асака» акциядорлик тижорат банки томонидан ишлаб чиқариш ва сервис хизматлари кўрсатиш соҳасида хусусий секторнинг салмоғини ошириш мақсадида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Банк айланмасига бўш пул маблағларни жалб этишни янада ошириб бориш мақсадида ҳозирги вақтда филиал томонидан янги банк хизматларини жорий этиш, шу жумладан, пластик карталар ҳисоб-китоб тизимини ривожлантириш, савдо шохобчаларига замонавий савдо терминалларини ўрнатишни кенгайтириш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

**Бугунги кунда иқтисодиётимизнинг таянч соҳасига айланган кичик бизнесни янада тараққий эттириш, айниқса, банк-молия тизими зиммасига юксак масъулият ва вазифаларни юклайди.**

**Дилдора АБДУЛЛАЕВА,**
**якка тартибдаги тадбиркор:**

— 2017 йилнинг сентябрь ойида енгил саноат маҳсулотлари — болалар кийимлари ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш ниятида банк филиалига кредит олиш учун мурожаат қилгандик. Бу масала қисқа муддатларда кўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилгани айни муддао бўлди. Натижада маҳаллий хомашё асосида қўшимча 6 турдаги сифатли, арзон ва замонавий махсус кийимлар ҳамда коржомалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Янги иш ўринлари яратдик.

Ишончли ҳамкоримиз «Асака» банкнинг молиявий кўмаги ишлаб чиқариш суръатини янада ошириб, аҳоли турмуш шароитларини юксалтиришдек эзгу ниятларимизнинг рўёби йўлида хизмат қилади, албатта.

**Хуршид ҚУРБОНОВ,**
**«DOLCE VITA SERVICE» масъулияти чекланган жамияти раҳбари:**

— Бозор иқтисодиёти шароитида истеъмолчиларнинг талаби ҳал қилувчи аҳамиятта эга. Корхонамизда харидорларнинг талаблари асосида янги турдаги сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳаракатидамиз. Ўтган йил бошида шундай лойиҳани амалга ошириш ниятида банк филиалига кредит олиш учун мурожаат қилгандик. Бу масала қисқа муддатларда кўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилгани айни муддао бўлди. Имтиёзли кредитга эга бўлдик. Натижада қўшимча 3 турдаги сифатли сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Мухтасар айтганда, «Асака» банкининг «Афросиёб» филиали жамоаси мижозларни қўллаб-қувватлашга, ҳамкорликни мустаҳкамлашга, инновацион лойиҳаларни рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**





Хизматлар лицензияланган.

O'ZBEKISTON OVOZI
• 2018-yil, 30-avgust. Payshanba
• 83-84 (32.452)-son



# «БУХОРО МИНТАҚАВИЙ ПАХТА ТЕРМИНАЛИ ИЧТК»

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

халқимизни Ватанимиз
мустақиллигининг 27 ЙИЛЛИГИ
билан муборакбод этади!

Истиқлол инъом этган тинчлик, хотиржамлик,
тўкинлик ва фаровонлик юртимизни
асло тарк этмасин!





Маҳсулотлар сертификатланган.





# «URGANCH YOG`-MOY»

акциядорлик жамияти жамоаси

юртдошларимизни
ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ
27 ЙИЛЛИГИ
билан табриклайди!






Мустақиллигимиз шарофати билан
гуллаб-яшнаётган мафтункор
диёримиз равнақи,
ёрқин истиқболи йўлида амалга
ошираётган
эзгу ишларингизда омадлар
тилайди.

Маҳсулотлар сертификатланган.

«ТОШКЕНТДОНМАҲСУЛОТЛАРИ»
TDM
акциядорлик жамияти жамоаси
ХАЛҚИМИЗНИ, МЎЛ – КЎЛ ДОН ЕТИШТИРАЁТГАН БОБОДЕҲҚОНЛАРНИ МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 27 ЙИЛЛИГИ БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ!
ХИРМОНИНГИЗ ДОНГА, ХОНАДОНЛАРИНГИЗ ҚУВОНЧ ВА ФАЙЗУ БАРАКАГА ТЎЛАВЕРСИН!





Маҳсулотлар сертификатланган.





«ЎзМалОил»
ЎЗБЕКИСТОН — МАЛАЙЗИЯ қўшма корхонаси жамоаси
мамлакатимиз аҳолисини, ҳамкор ва мижозларини МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 27 ЙИЛЛИК АЙЁМИ билан табриклайди!



Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимизнинг ризқи зиёда бўлсин!

РЕКЛАМА
ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!
ASAKA BANK
«АСАКА» БАНК ЖАМОАСИ
СИЗ АЗИЗЛАРНИ МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ!
Байрам муносабати билан миллий валютадаги қуйидаги муддатли янги омонат турини таклиф этамиз:



«МУСТАҚИЛЛИК — 27»
Мазкур омонатнинг сақланиш муддати 18 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади. Омонатнинг фоиз миқдори — 14 фоиз (йиллик).
Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий ва хорижий валюталардаги 30 дан ортиқ турдаги қулай шартларда муддатли омонатларни таклиф этади.
Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.
Мурожаат учун телефонлар: (371) 120-82-37, 120-82-98, 120-82-65.
Барча омонатлар фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади.
СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ:
- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган;
«АСАКА» БАНК — САРМОЯНГИЗ САҚЛАНИШИ ВА КЎПАЙИШИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ!
www.asakabank.uz
Хизматлар лицензияланган.

QQB QISHLOQQURILISHBANK:
— Барча юртдошларимизни мамлакатимиз Мустақиллигининг 27 йиллик байрами билан қутлаймиз!




Миллий валютадаги қуйидаги янги омонат турларини таклиф этамиз:
«ИНСОН МАНФААТИ» — омонат муддати — 13 ойдан 30 ойгача, фоиз ставкаси — йилига 16 %.
«ЯХШИ НИЯТ» — омонат муддати — 3 ойдан 13 ойгача, фоиз ставкаси — йилига 14 %.
Ушбу омонатларга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.
СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.
Мурожаат учун телефонлар: (+99871) 150-72-58, 150-93-39, www.qqb.uz
Қишлоқ қурилиш банк — фаровон ҳаётингиз хизматида!
Хизматлар лицензияланган.

O'ZBEKISTON OVOZI
MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI
Bosh muharrir: Safar OSTONOV
TAHRIR HAY'ATI:
Hotamjon KETMONOV, Ulug'bek VAFOYEV, Saidkamol XODJAYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari), Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)
Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
Reklama va e`lonlar uchun — 233-38-55, 233-47-80.
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz
MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi — 4 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba, shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 838. 6759 nusxada bosildi.
Nashr ko`rsatkichi — 220.
O`zA yakuni — 01:25.
Topshirilgan vaqti — 01:40
Sotuvda kelishilgan narxda
Navbatchi: Bardambek SA`DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV
ISSN 2010-7633
Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.
1 2 3 4 5